



*2023: Special Issue "Problems and Prospects for the Development of Accounting, Economic Analysis and Audit Based on International Standards in the Conditions of Economy Digitalization"*

## МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**А.Ҳ.Бердиев**

ҚарМИИ, "Инновацион иқтисодиёт" кафедраси доценти

**К.З.Музаффарова**

ҚарМИИ, "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси катта ўқитувчиси

### Аннотация

Ушбу мақолада инвестиция муҳити ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, иқтисодиётга хорижий инвестициялар жалб этишнинг аҳамияти, Қашқадарё вилоятига хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш йўналишлари ҳақида маълумотлар таҳлили ҳамда тавсиялари келтирилган.

**Калит сўзлар:** инвестиция, хорижий инвестиция, инвестиция муҳити, инвестиция оқимлари, инвестицион жозибadorлик, инвестицион сиёсат, инвестиция фаолияти.

**Кириш.** Бугунги кунда ҳар қандай мамлакат ривожланишининг асосий омилларидан бири хорижий инвестициялар ҳисобланади. Рақамли иқтисодиётнинг жадал ривожланиши ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда техник ва технологик тараққиётнинг муҳим омили сифатида хорижий инвестицияларга бўлган талабнинг ошишига олиб келмоқда. 2021 йилда тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 1,6 трлн. долларни ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан 64 фоизга ошди ва пандемиягача бўлган давр кўрсаткичига етди<sup>1</sup>. Аммо 2022 йилдан жаҳонда инвестиция иқлими кескин ўзгарди. Хусусан, мутахассислар фикрича, Россия ва Украина ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашиши учта инкирозни келтириб чиқармоқда: озиқ-овқат ҳамда ёқилғи-энергетика маҳсулотларига бўлган нархларнинг ўсиши ва молиялаштириш ҳажмларининг кескин чегараланиши<sup>2</sup>. Шу билан бирга глобал тўғридан-тўғри инвестициялар ривожланишига пандемия таъсирининг қайта тикланиш хавфи, ривожланган мамлакатларда қайта молиялаш ставкаларининг ошиши эҳтимоли, молия бозорларидаги тушқун вазият каби омиллар ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

<sup>1</sup> [https://unctad.org/system/files/official-document/wir2022\\_en.pdf](https://unctad.org/system/files/official-document/wir2022_en.pdf)

<sup>2</sup> [https://unctad.org/system/files/official-document/wir2022\\_en.pdf](https://unctad.org/system/files/official-document/wir2022_en.pdf)

Мана шундай мураккаб шароитда хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва ҳудудларда мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятдан оқилона фойдаланишга йўналтириш, миллий иқтисодиётни техник-технологик жиҳатдан янгилаш орқали модернизация қилиш, жалб этилган хорижий инвестициялардан самарали фойдаланишнинг аҳамияти тобора ошмоқда. Шу муносабат билан халқаро инвестиция оқимларини тартибга солишнинг ҳуқуқий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга, мамлакат ва унинг минтақалари иқтисодиётига инвестицияларни фаол жалб этиш орқали барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашга бағишланган мақсадли илмий изланишлар жадаллашмоқда.

**Методлар ва материаллар.** Иқтисодиётда “инвестиция муҳити” ва “инвестиция иқлими” тушунчалари синоним сифатида ишлатилади. Олимларимиз Д.Ғ. Ғозибеков ҳамда Т.М. Қоралиев “Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш” номли дарслигида “Инвестиция иқлими жуда кенг маънода ишлатиладиган тушунча бўлиб, инвестор томонидан ҳисобга олинмаган барча муаммо ва масалаларни мужассамлаштиради. Инвестор томонидан маълум бир мамлакатга капитал ажратишнинг қулай ва ноқулай томонлари белгиланади, шу билан бир қаторда, ўз капиталини киритмоқчи бўлган мамлакат мафқураси, сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятига катта аҳамият берилади”<sup>3</sup>, деб айтиб ўтганлар.

Инвестиция муҳити инвестиция ресурсларини жойлаштириш учун умумий мезон бўлиб, биринчи навбатда, капитал маблағларнинг даромадлигини таъминлаб беради. Б.Маматов ва С.Якубовалар ўзларининг тадқиқотларида “Инвестиция муҳити деганда мамлакат иқтисодиёти ва унинг маълум бир ҳудудига киритиладиган инвестицияларнинг самарадорлигини ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий, экологик, маданий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуаси тушунилади”<sup>4</sup>, дея таъриф берганлар. У муайян ҳудудга инвестициялар киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибадорлигини белгилайдиган шарт-шароитларнинг мавжуд ижобий ва салбий томонларини англатади.

Россиялик олимлардан М.Б.Траченко ҳамда В.А.Джиоевлар ўз тадқиқотларида “Минтақанинг инвестицион жозибадорлиги - маълум инвесторнинг мақсадларига минтақанинг мос келиш даражаси бўлиб, хусусан, тавақалчиликни мос даражасида инвестициялашни ўзига хос имтиёзлари шароитида, инвестиция қилган капиталидан мақсадли даромад олиш имконияти ифодаловчи мажмуали тавсиф бўлиб ҳисобланади”<sup>5</sup>, дея таъриф бериб ўтганлар.

Демак инвестиция муҳити инвестиция муносабатларини амалга ошириш мумкин бўлган имкониятлар ва қулайликлар мажмуасини ўзида акс эттирадиган воқелиқдир. Инвестиция муҳитини яхшилашдан мақсад инвестиция салоҳиятини ошириш учун зарур ва мақбул шарт-шароитларни яратиш, инвестиция фаолиятини жадаллаштириш ва пировардида, иқтисодиётни юксалтириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятларини яратишдан иборатдир.

**Натижа ва муҳокамалар.** Мамлакатимизда ва хусусан Қашқадарё вилоятида сўнги йилларда қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, қонунчилик

<sup>3</sup> Ғозибеков Д.Ғ., Қоралиев Т.М. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. – Т.: ТМИ, 1993.- Б.46

<sup>4</sup> Маматов Б., Якубова С. Қулай инвестиция муҳити иқтисодиёт тараққиётининг гаровидир. – Т.: Журнал. Бозор, пул ва кредит. 2015. №8. -Б. 46.

<sup>5</sup> Траченко М.Б., Джиоев В.А. Оценка инвестиционной привлекательности регионов: какая методика отвечает интересам инвестора. Государственное управление. Электронный вестник Факультет государственного управления МГУ имени М. В. Ломоносова, 2019 Выпуск № 76. Октябрь 2019 г- С.92-99.

барқарорлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш борасида амалга оширилаётган тизимли ишлар иқтисодиётимизга йўналтирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг ошишига муҳим асос бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бизнинг иқтисодий стратегиямиз иқтисодиётга катта ҳажмдаги инвестицияларни жалб қилишга қаратилган”<sup>6</sup>. Шу нуқтаи назардан инвестицияларнинг ўсиш суръатлари 10 йилда ялпи ички маҳсулотнинг камида 25 фоизини ташкил этиши учун зарур шароит яратиш вазифаси қўйилган.

Қуйидаги жадвалда Қашқадарё вилоятида рўйхатдан ўтган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми таҳлили келтирилган.

**Қашқадарё вилоятида рўйхатдан ўтган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, млн. сўм (худудлар кесимида, 1-январь ҳолатига)<sup>7</sup>**

	2020	2021	2022	2022 йил 2020 йилга нисбатан ўсиш	
				+,-	%
<b>Қашқадарё вилояти</b>	<b>2009801,0</b>	<b>2727737,2</b>	<b>3423747,0</b>	<b>1413946</b>	<b>170,4</b>
Қарши ш.	110006,1	90368,6	78 892,0	-31114,1	71,7
Шахрисабз ш.				0	
Туманлар, ш.ж. Ғузур	151882,6	103831,7	88 448,0	-63434,6	58,2
Дехқонобод	1435,4			-1435,4	0
Қамаши	4,6			-4,6	0
Қарши	315042,3	623768,4	1 012 463,0	697420,7	321,4
Косон				0	
Китоб	10415,9	10806,7	311 980,0	301564,1	2995,2
Миришкор	93165,9	92309,4	149 804,0	56638,1	160,8
Муборак	322898,8	285144,4	244 379,0	-78519,8	75,7
Нишон	745069,3	707980,8	311 167,0	-433902,3	41,8
Касби	255741,9	808594,0	1 221 205,0	965463,1	477,5
Кўкдала				0	
Чирокчи	3425,0	2730,7	3 570,0	145	104,2
Яккабоғ	713,2	2202,6	1 839,0	1125,8	257,9

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоятда 2020 йилда хорижий капитал иштирокидаги корхоналар томонидан 2022 йилда 3423747,0 млн.сўм маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2020 йилда 2009801,0 млн.сўм маҳсулот ишлаб чиқарилган. 2022 йил 2020 йилга нисбатан 1413946 млн.сўм га ёки 170,4% га маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошганлигини кўришимиз мумкин. Шахрисабз шаҳри, Косон тумани, Кўкдала туманларида хорижий капитал иштирокидаги корхоналар томонидан маҳсулот ишлаб чиқарилмаганлиги ушбу туманларда хорижий корхоналарнинг фаолияти йўқлигидан далолат беради. Шунингдек, Дехқонобод ва Қамаши туманларида 2021-2022 йиллар давомида маҳсулот ишлаб чиқарилмаганлигини кўришимиз

<sup>6</sup>Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон Стратегияси /Ш.М. Мирзиёев – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. – Б.135.

<sup>7</sup> Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

мумкин.

**Хулоса ва таклифлар.** Демак, Қашқадарё вилояти иқтисодиётига инвестицияларни, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этиб фан-техника тараққиёти ва инновацияларга ҳамда рақамли иқтисодиётга асосланган ишлаб чиқаришни ривожлантиришга асос бўлади. Унда ресурсларни тежашга, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини оширишга, минтақани мутаносиб ва барқарор ривожлантиришга эришиш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини, иш билан бандлик, меҳнат шароити, даромадлари ва ижтимоий таъминланганлиги каби кўрсаткичларини яхшилаш имкониятларига эришилади.

Қашқадарё вилоят инвестиция ва ташқи савдо худудий қўмитаси минтақага хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш учун қуйидаги йўналишларда ишларни фаоллаштириши лозим:

- Минтақада ХИИКни ва ЭИЗларни хорижий инвестициялар кам жалб этилган Шаҳрисабз, Косон, Деҳқонобод, Кўкдала, Қамашни туманларида ташкил этишга устуворлик бериш;

- Қашқадарё вилоятининг саноат корхоналарига ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни молиялаштириш учун керакли бўлган молиявий ресурсларни муомала жараёнига қимматли қоғозларни чиқариб уни фонд биржаларига жойлаштириш орқали олишни жорий этиш;

- Минтақанинг ФТТ ютуқларига тез берилувчи саноат тармоқларда иқтисодиётнинг инновацион ривожлантириш йўлини шакллантиришда, жадаллашган амортизация усуллари солиқ сиёсати билан ўзаро боғлиқлиги асосланган ҳолда табақалаштирилиб рағбатлантириш;

- Вилоятнинг инвестицион порталида минтақанинг хорижий инвестициялар кам жалб этилган Шаҳрисабз, Косон, Деҳқонобод, Кўкдала, Қамашни туманлари бўйича хорижий инвесторларни рағбатлантирадиган ва жалб этадиган инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш;

- Минтақада янги билим, ғоялар ва инновацияларни ишлаб чиқарувчи ва уни амалиётга жорий қилувчи кичик, илмий техникавий корхоналарни ташкил этиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий давлатларга давлат ташрифларида ва республикамизга келган потенциал хорижий давлатлар тадбиркорларининг давлат ташрифларида бўладиган учрашувлар да Ўзбекистон Республикасининг делегация таркибига Қашқадарё вилоятдан чиққан ва ХИИК ташкил этиш истаги бўлган тадбиркорларни киритиш.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. 1.Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон Стратегияси /Ш.М. Мирзиёев – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. – Б.135.
2. 2.Ғозибеков Д.Ғ., Қоралиев Т.М. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. – Т.: ТМИ, 1993.- Б.46
3. 3.Маматов Б., Якубова С. Қулай инвестиция мухити иқтисодиёт тараққиётининг гаровидир. – Т.: Журнал. Бозор, пул ва кредит. 2015. №8. -Б. 46.
4. 4.Траченко М.Б., Джиоев В.А Оценка инвестиционной привлекательности регионов: какая методика отвечает интересам инвестора. Государственное управление. Электронный вестник Факультет государственного управления МГУ имени М. В. Ломоносова, 2019 Выпуск № 76. Октябрь 2019 г- С.92-99.
5. Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари

6. Bahadirovich, A. F. (2022). Conditions for Forming the Digital Economy in the Republic of Uzbekistan. *Journal of Marketing and Emerging Economics*, 2, 88-92.
7. Bahadirovich, A. F. (2021). The Main Directions of State Regulation of Entrepreneurial Activity. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 12, 22-27.
8. Egamberdiyeva Salima Rayimovna, & Aralov Sabir Javli ugli. (2022). Issues of Compliance of Financial Statements with International Standards. *Journal of Corporate Finance Management and Banking System ( JCFMBS) ISSN : 2799-1059*, 2(02), 1–10. <https://doi.org/10.55529/jcfmbs22.1.10>
9. Yakubova, S. S., Egamberdiyeva, S. R., & Boyqobilov, F. S. (2022). ТА’ЛИМ МУАССАСАСИ ВА ИШЛАБ CHIQARISH HAMKORLIGI SALOHİYATLI KADR TAYYORLASHNING ASOSIY OMILIDIR. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 211-216.
10. Tursunov, I., Jumayeva, G., & Ostanov, K. (2017). Features of innovation development of the economy Uzbekistan. In *International conference on scientific development in North America* (pp. 43-49).
11. Жумаева, Г. Ж., Хасанова, Ю. М., & Рузиев, З. И. СВОБОДНЫЕ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ЗОНЫ И ИХ РОЛЬ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА.
12. Алимханова, А. Н., & Мицель, А. А. (2019). Оценка эффективности предприятий на основе метода DEA. *Доклады Томского государственного университета систем управления и радиоэлектроники*, 22(2), 104-108.
13. Равшанов, А. Д., Хасанов, Ш. Х., & Алимханова, Н. А. (2018). Қишлоқ хўжалигини инвестицион-инновацион ривожлантириш имкониятлари ва истикболлари. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (11), 9-14.
14. Эргашева, Н. (2022). ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Innovatsion texnologiyalar*, 1(04), 108-111.
15. Azimova, N. E. (2022). ISSUES OF DEVELOPMENT OF FOREIGN TRADE WITH THE HELP OF FOREIGN INVESTMENTS. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 183-188.
16. Alisher Ravshanov 2022. The city as a social phenomenon: sociological and historical approaches. *INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL "THE CAUCASUS AND THE WORLD"*. 24 (May 2022), 153–158. DOI:<https://doi.org/10.52340/isj.2022.24.22>.
17. Kholmurodov, O. (2022). CONSOLIDATED FINANCIAL STATEMENTS AND THEIR THEORETICAL FOUNDATIONS. *Educational Research in Universal Sciences*, 1(7), 432-436.
18. Normamatovich, Kholmurodov O., et al. "Creating a Favorable Environment for Attracting Foreign Investment and Strengthening Its Legal Framework." *JournalNX*, vol. 6, no. 05, 2020, pp. 53-56.
19. Bobaqulovich, R. A. (2022). PROBLEMS OF REFLECTING THE COST OF GOODS AND MATERIAL RESOURCES. *IJODKOR O'QITUVCHI*, 2(19), 151-159.
20. Эгамбердиевна, А. Ҳ. (2021). ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШДА ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. *Журнал Инновации в Экономике*, 4(5).

21. Zoyirovna, M. K. (2022). DYNAMICS OF ATTRACTING FOREIGN INVESTMENTS TO THE ECONOMY OF KASHKADARYA REGION AND THE FACTORS AFFECTING IT. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 226-233
22. Zoyirovna, M. K. (2022). IMPORTANCE OF ENTERPRISES WITH FOREIGN INVESTMENT IN THE DEVELOPMENT OF THE REGIONAL ECONOMY. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 219-225.
23. БУТУНОВ, Ш. ВЛИЯНИЕ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИХ И БАНКОВСКИХ ФАКТОРОВ НА УРОВЕНЬ НЕДЕЙСТВУЮЩИХ КРЕДИТОВ: РЕЗУЛЬТАТЫ ПО СТРАНАМ СНГ. *ECONOMICS*, (3), 33-42.
24. Mamasabirovich, M. K., & Hakimovich, B. K. (2023). ORGANIZATION OF PRIVATE CAPITAL ACCOUNTING IN ECONOMIC ENTITIES IN ACCORDANCE WITH INTERNATIONAL STANDARDS OF FINANCIAL REPORTING (IFRS). *Gospodarka i Innowacje.*, 32, 49-54.
25. Khakimovich, B. K. (2019). THE INTERNATIONAL TREATIES FOR THE AVOIDANCE OF DOUBLE TAXATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. *Review of law sciences*, 1(7), 89-91.
26. Бердиев, А. Х., & Расулов, Х. К. (2020). Современный экономический механизм развития сельского хозяйства. *Вестник науки и образования*, (5-1 (83)), 41-45.
27. Hakimovich, B. A. (2021). Measures to Increase the Popularity Of Banking Services. *International Journal of Modern Agriculture*, 10(2), 3943-3949.
28. Oman, X., & Alisherovich, T. S. (2022). THE ROLE AND IMPORTANCE OF CLUSTERS IN THE AGRICULTURAL SECTOR. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 202-206.
29. Туробов, Ш. А. (2022). АЁЛЛАР МЕҲНАТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ. *ЎТМОИЙ ФАНЛАРДА ИННОВАСИЯ ONLINE ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ*, 127-134.
30. Yakubova, S. (2021). Sh. The role of effective implementation of monetary policy in a pandemic condition/Sh. Sh. Yakubova, MD Raimova. *Theoretical & Applied Science*, (12), 104.
31. R. N. Djalilov. (2023). PROBLEMS OF CALCULATION OF VALUE ADDED TAX IN THE TAX SYSTEM OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. *Intent Research Scientific Journal*, 2(3), 65–71. Retrieved from <https://intentresearch.org/index.php/irsj/article/view/52>
32. Hamidovich, D. R. (2022). REGULATORY AND LEGAL FRAMEWORK FOR THE ORGANIZATION OF CAMERAL CONTROL IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND ITS SIGNIFICANCE. *Gospodarka i Innowacje.*, 30, 49-54.
33. Iskandarovich, R. R. (2022). QISHLOQ XO 'JALIGIDA AGROKLASTERLARINI BARPO ETISHNING XORIJ TAJRIBALARI. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 390-394.
34. Рашидов, Р. И., & Муртазаев, Н. Р. (2020). DIRECTIONS OF INNOVATIVE AGRICULTURAL DEVELOPMENT. *ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ*, 2(7).
35. Музаффарова, К. З. (2021). МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ. *Архив научных исследований*, 1(1).
36. Музафарова, К. З. (2019). Роль иностранных инвестиций в развитии национальной экономики Узбекистана. *Экономика и предпринимательство*, (1), 411-414.

37. Аликулов, А. Т. (2020). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕХАНИЗМОВ ТОРГОВЛИ НА ФОНДОВОМ РЫНКЕ УЗБЕКИСТАНА. In Актуальные вопросы экономики (pp. 63-66).
38. Alikulov, A. T. (2022). In Uzbekistan, the use of the Stock Market in Attracting Financial Resources by Corporate Entities is One of the Tools. *Journal of Marketing and Emerging Economics*, 2(5), 66-69.
39. Murodov, J. (2020). Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатлар кўлами. *Архив научных исследований*, (29).
40. Утанов Б., Маматкулов Б., Ахмедова М., Муродов Дж. и Абдикулова Д. (2021). Взаимосвязь взаимодействия сельскохозяйственного производства с объемом дехканского производства в Узбекистане. *Илкогретим Онлайн*, 20 (3).
41. Atajanovich, M. A., Faizullaevich, K. A., & Akhmatzhanovich, M. M. (2022, October). DEVELOPMENT OF THE INVESTMENT MECHANISM DURING THE TRANSITION TO THE DIGITAL ECONOMY. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCES WITH HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS* (Vol. 1, No. 25.10, pp. 292-308).
42. Хуррамов Азамат Файзуллаевич, Аралов Худоёр Мусакулович, & Маматов Мамажан Ахматжанович (2022). МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРМОҚ ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШУВИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ТАЪСИРИ. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (7 (155)), 2-10. doi: 10.34920/EIF/VOL\_2022\_ISSUE\_7\_1
43. [https://unctad.org/system/files/official-document/wir2022\\_en.pdf](https://unctad.org/system/files/official-document/wir2022_en.pdf)